

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Тарих факултети
“Миллий ғоя, Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
йўналиши 404-гуруҳ талабаси
Аллабердиев Сардорнинг



REFERAT

Мавзу: **ҚУЛАЙ ТАБИИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ ТИКЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ**

Илмий рахбар:
Кафедра мудири :

Тўраев А.
М. Собирова.

ТОШКЕНТ-2014

**Мавзу: ҚУЛАЙ ТАБИИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ВА УЛАРНИНГ
ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ ТИКЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ**

РЕЖА:

Кириш

Асосий қисм

- 1) Қулай табиий шарт-шароитлар
- 2) Жамият маънавий ҳаёти
3. Қулай табиий шарт-шароитнинг жамият маънавий ҳаётини тиклашда тутган ўрни.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Инсон табиат билан ҳамиша ўзаро алоқадорликда яшайди. Унинг ҳаётини табиатдан, табиий бойликлардан айрича тасаввур этиш мумкин эмас.

Табиатда инсон ҳаёти ва жамият тараққиёти учун зарур бўлмаган ва муҳим аҳамият касб этмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Нафас олинадиган ҳаво, ичиладиган сув, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган табиий зоҳиралар – нефт, газ, ёқилғи, ҳар хил маъданлар бўлмаса, инсон яшай олмайди. Ишлаб чиқариш қуролларини яратиш, моддий ва маънавий бойликларни, илм-фан, маданият, маънавият, маърифатни юксалтириш учун керак бўладиган жамики табиий бойликларни одамзод табиатдан олади. Табиат инсон учун табиий бойликлар манбаидир.

Табиат моддий бойликларининг биринчи манбаи сифатида ҳам, сиҳат-саломатлик, шод-хуррамлик, маънавий-руҳий баркамолликнинг асоси сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Она заминимиз –бойлигимизнинг мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир”¹,-деган сўзларида жуда катта илмий-фалсафий мазмун бор.

Табиат ўзининг саховатини, ноз-неъматини инсондан аямайди. Бундай караганда, табиат, она замин инсон учун гўёки бир муқаддас бешик,

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, Т. “Ўзбекистон”, 1996, 277-бет.

бамисоли она кучоғидир. Ер жамикит бойликларнинг, ноз-неъматларнинг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, одамзод уни бениҳоя улуғлаб, эъзозлаб, “она замин” деб таърифлайди.

Табиатни севиш, сув, тупроқ, ҳавони эъзозлаш, уларни рок ва бус-бутун сақлашга даъват этиш, ўзи ўсиб, улғайган заминни аторф-муҳитни юксак эътиқод-ла ардоқлаш ҳар бир инсоннинг бурчидир. “Ер, сув, олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган”.²

Ер сув билан барҳаёт бўлганидек, одамзод табиат билан тирик. Бу исбот талдаб қилмайдиган ҳақиқат. Табиатга меҳр одамнинг гўдаклигидан бошланиб, қалбига синга бошлайди. Бу жараён умрбод давом этади. Табиатга меҳри кучли бўлган одамнинг эл-улусга, миллати ва халқига, Ватанига меҳр-муҳаббати юксак бўлади. Қалбида меҳр-шафқат, раҳмдиллик сингари юксак маънавий-ахлоқий фазилартлар устуворлик қиладиган одамлар табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодисага, тирик ва нотирик нарсаларга оқилона муносабатда бўлади, меҳнати, ақл-идроки ва тафаккурини эзгулика, савоб ишларга бағишлайди.

Аждодларимиздан, ота-боболаримиздан рисоладагидек йўл-йўриқ, таълим-тарбия олган кишиларда табиатга меҳр-муҳаббат тамомила бошқача бўлади. Табиатга меҳри ёшлигиданоқ кучли бўлган одам она-заминга ўзгача кўз билан қарайди.

Табиат билан жамият, шунингдек, табиат тарихи билан инонни тарихи бир-бири билан узвий боғлиқ. Инсон ва жамият –табиатнинг ажралмас бир таркибий қисмидир. Инсон табиатнинг шунчаки бир қисми эмас, балки, унинг ақл-идрокли ва фаол таркибий бўлаги, онгли мавжудотидир.

Инсон ҳеч қачон табиатдан ташқарида, у билан доимий алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшамаган ва яшай ҳам олмайди. Табиий

² Ислон Каримов. Ўзбекистон чч аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997, 145-бет.

ресурслар, яъни, ёқилғи, маъданлар, металллар, нафас олинадиган ҳаво, ичиладиган сув, истеъмол қилинадиган гўшт, сут, дон, сапрхил мевалар ва бошқа турли –туман неъматлар бўлмаса, инсон бир дақиқа ҳам яшай олмайди. Буни ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

Табиий бойликлар Аллоҳнинг одамзодга инъом этган буюк неъматларидир. Аллоҳ таоланинг барча ноз-неъматлари –табиий бойликларидан баҳраманд бўлишнинг ўзи бир неча минг тарихга эга. Бу тарих Ер юзида инсоният илк бор пайдо бўлишидан олдин бошланган. Инсониятнинг табиат билқ бугунги кунда янада сезилмоқда. Чунки ҳар томонлама таракқиётга эришган инсоният бугунги даврдек ҳеч қачон экологик муаммаларга дуч келган эмас. Инсон ҳаёти билан боғлиқ экологик муаммоларни ёритиб беришга асосланган ушбу курс ишининг мавзусининг долзарблиги ҳам шундадир.

Курс иши мавзусининг мақсади бугунги кунда мамлакат таракқиётига таъсир кўрсатаётган қулай шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва унинг маънавий таракқиётдаги ўрнини аниқлаш.

Курс иши мавзусининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қулай шарт-шароитларни ўрганиш;
- қулай шарт-шароитларни илмий таҳлил қилиш ва унинг маънавий таракқиётдаги ўрнини аниқлаш;
- қулай шарт-шароитларнинг маънавий таракқиётдаги ўрнини ёритиб бериш.

1. Қулай шарт-шароитлар

Инсоният бугун ҳар доимгидан ҳам катта ютуқларга эришган. XX асрда фан ва техника ривожига борасида ҳам буюк ютуқлар қўлга киритилди. Атомнинг мураккаб тузилишининг очилиши, инсониятнинг коинотга парвоз қилиши, узоқ сайёраларга космик кемалар юборилиши, компьютерлар ва тақомиллашган ҳисоблаш машиналари ютуқларидан жамият ҳаёти, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида қўлланилиши, генетика, биофизика, биохимия фанларидаги ютуқлар, ҳужайралар тузилишини ўрганиш орқали ҳаётнинг насллар ва турларнинг ривожланишига таъсир этиш ва бошқалар шулар жумласидандир. “XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсоният Коинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди”.³

Инсоният фан ва техника ва бошқа соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритган бўлса-да, аммо саратон, ОИТС, турли экологик ҳалокатлар олдида ҳозирча ожиз қолмоқда. Қўплаб мамлакатлар халқлари этник можоролар, геноцед туфайли зор қатъамонлар. Инсон ойна забот этди, аммо биз яшаб турган сайёрамизни экологик офат ўз домига тортиб кетмоқда. Экологик муаммо инсониятни ғоят даражада ташвишга солиб, ўзлантириб келаётган муаммодир.

Экологик таназзул ва фожиа ўзининг чуқур ва кенг маъносига эга инсон яшаши учун мақбул бўлмаган ҳолатга келмоғидир. Экологик таназзул

³ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 6 Ўзбекистон. 1999, 3-4-бетлар.

муқарар равишда жамиятда, инсон ҳаётида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, тиббий, жуғрофий инқирозларга, ҳапр хил қийинчилик, мураккабликлар, оғир касалликлар, фожиалар, хавф-хатарларга, кутилмаган муаммолар падо бўлиши ва кескинлашиб кетишига олиб келади. Инсониятни узоқ вақтлардан бери ташвишга, хавф-хатарга солиб келаётган экологик муомалар ўз-ўзидан ёки тасодифий равишда пайдо бўлган эмас. Ушбу муоммони юзага келтирган ва чуқурлаштириб юборган, ўта даражада кескинлашиб, хавфли тус олиб келишига олиб келган бир қанча сабаблар мавжуд. Ана шулардан бири-инсоният томонидан қилинган антропоген босим ўтказишдир.

Инсоният фаолияти экологик вазиятнинг нихоятда кескинлашиб кетишига сабаб бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсон фаолияти натижасида она-замин, унинг ўсимлиги, ҳайвонот дунёси, сайёрамиз ҳавоси анча ўзгариб кетди, сувнинг ифлосланиши, змонларнинг керагидан ортиқ даражада қирқиб юборилиши Ер юзасида тупроқ нураши, ҳайвонлар ва балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши натижасида экологик инқироз юзага келди ва нихоятда кескинлашиб кетди. Инсоннинг билиб- билмай, оқибитини ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, амалий фаолити оқибатида табиат жуда катта озор чекканлигига тарихда мисоллар беҳад-беҳисоб.

Инсон биологик тур сифатида табиат қонунларига бўйсунушга мажбур. Унинг ихтиёрида иккита йўл- ё ҳалок бўлиш ёки табиат билан янгича алоқаларни шакллантириш орқали фалокатдан қутилиб қолиш йўли мавжуд.

Узоқ вақтлар мобайнида инсон табиат қонунларини идро этиб, илм-фан ва техникани мукаммаллаштириб, Ер юзасида ўзининг таъсир кучи етадиган жойларда табиатга тазйиқ кўрсата бошлади. Бу жараён натижасида инсон табиатга ўз таъсирини анча мунча кучайтирди.

Авваллари 400 йил мобаайнида Ер юзасидан ҳар ўн йилда битта тур йўқ бўлиб кетган бўлса, ҳозир эса ҳар йили эрамиз биттадан турдан маҳрум бўлаяпти. “Энг юмони шуки, бу турни одам “еб” битираётгани йўқ ёки унга

онгли равишда қурон келтиргани йўқ, балки бу тур ҳаёт кечириши мумкин бўлган шарт-шароит йўқ бўлиб кетди. Ҳаммага яхши маълум бўлган лосось балқлари дарёларнинг юқори ўзанига увилдириқларини қуйишади. У ерда сувнинг ҳарорати 14 даражадан ошмаслиги керак. Сувнинг ҳарорати ярим даражага кўтарилса, бас, увилдириқнобуд бўлади, ундан балиқ чиқмайди, балиқнинг бутун бир авлоди қирилиб кетади”¹

Инсон ўзининг кўп асрлик фаолиятини 72 ҳайвон турини бутунлай йўқ қилиб юборди. Ўзбекистонда урон йўлбарси, териси йўл-йўл сиртлон каби ҳайвонлар йўқ бўлиб кетди. Оққуйруқ, қроақуйруқ, Устюрт қўйлари, бухоро бўғиси, оқтирноқли қўнғир айиқ қабилар йўқ бўлиш атрофида турибди.

Сув таъминотирининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, қўллар, Шимолий қутб музликлари, денгизлар, сув омболари ифлосланди. Тоза ичимлик суви тобора тақчил бўлиб бормоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ- овқат манбаи бўлган жаҳон океанлари ҳам ҳозирги ва ктда инсон цивилизацияси қурбон бўлмоқда. Атроф-муҳитнинг радиоктив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларнинг, ўсимликларнинг, дарё ва қўллардаги, сув омборларидаги балиқлар ва бошқа жониворларнинг қўплаб захарланишига сабаб бўлмоқда. Тупроқ эрозияга учрай бошлади. Табиат билан инсоният дунёси ўртасидаги муносабатларга дарз кета бошлади.

Табиат инсониятнинг нооқилона, очофатларча хатти-ҳаракатига дуч келди. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида табиий ва минерал хомашё манбаларидан ваҳшийларча, жкстенсив усулда фойдаланиш йилдан-йилга кучуйиб борди.

Инсониятнинг ўз истиқболини ўйламай қилган ўзбошимчаликлари, кўр-кшрона қилмишлари туфайли табиат кўп нарсалардан абадий жудо бўлди. Ҳар хил космик чанглар, иссиқлик электр станциялари, автомобиллар сонининг тез ўсиб бориши, радиактив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудотларнинг ҳаёт манбаи бўлган бшлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда.

Ўрмонлар инсон ҳаётининг асосий манбаларидан биридир. Табиат учун ҳам, жамият ва инсон ҳаёти учун ҳам ўрмонларнинг ҳосияти беқиёс. 2ўрмон барча табиат бойликларини ўзаро бир-бири билан боғловчи, инсон ҳаётининг давом этишида экологик мувозанатни мустаҳкамловчи, ер, сув, ҳайвонот, ўсимликлар дунёсини ҳамда ҳавонинг мувозанатини таъминловчи асосий манбадир”

Олимларнинг фикрича, бир гектар ўрмон ёзда бир кунда 200 килограмм карбонат ингилридни ютиб, 220 килограмм кислород ажратиб чиқаради. Ана шу маънода ўрмонларни соф ҳаво манбаи, атроф-муҳитни табиий тозалогичи, деб таърифлайдилар.

Истиқболни ўйламай қилинган кўр-кўрона ҳаракатлар оқибатида “миллионлаб гектар экин майдонлари ва тропик ўрмонлар йилдан-йилга йўқолиб бормоқда. Бундан ташқари, бу озиқ-овқат, ип-тола, қурилиш материаллари ва энергияга таъсир қилинаёган иқтисодий тенгликка ҳамда фармацевтик маҳсулотлару табиий манбаларнинг камайиб кетиши ва паразитларни қирувчи табиий агентларнинг йўқолиб кетишига сабабчидир”²

Сув таъминотининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, кўллар, шимолий қутб музликлари, денгизлар, сув омборлари ҳам ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овқат манбалари ҳисобланганжаҳон океанлари ҳозирги вақтда инсон цивилизацияси қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанларига миллионлаб тоннагача миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари, саноат чиқиндилари келиб тушмоқда. Ҳалокатга учраб сувга чўкиб кетган ва кетаётган самолётлар, “Мир” деб аталган космик кема, атом бомбалари, ҳар хил заҳри қотиллар билан лиммо-лим бўлган ҳарбий кемаларнинг денгиз ва океанлар қаърига ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиши сувни ва ҳавони заҳарлаб, жониворларга қирон келтирмоқда.

Инсоният табиатдан ўзига керакла нарсаларни олиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташлаб, уни заҳарламоқда ҳам. Индустринал жихатдан ривожланган мамлакатларда бир киши ҳисобига ҳар

йили табиатдантдан 30 тонна модда олиниб, унинг атиги 1-1,5 фоизидан истеъмол маҳсулотлари сифатида фойдаланмоқда, қолгани эса чиқинди сифатида ташлаб юборилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳар йили атмосферага 200 миллион тонна азот оксиди, 50 миллион тоннадан ортиқроқ ҳар хил углеводородлар чиқарилмоқда. Жаҳон саноати ҳар йили табиатга 32 миллиард метр куб ифлосланган сув, 700 миллион тонна заҳарли газлар ва 250 миллион тонна чангни чиқариб ташламоқда.

Олимларнинг ҳисоб китобларига қараганда, XX асрнинг 60-йиллардаёқ инсоният 2000 йилда келиб чиқишига кўра органик характерга эга бўлган чиқиндиларни табиатдан кўра ортиқроқ чиқарган экан. Бугун атмосфера инсон фаолияти билан курашишга ожизлик қилиб қолди, унда катта, ўнгарилмайдиган ўзгаришлар бошланди. Атмосфера таркиби ўзгаришти, ҳаво таркибида кислород камайиб боришти, нафасни бўғадиган ва бошқа хилдаги заҳарли газлар кўпайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, зарарли газларнинг кўпайиб кетиши оқибатида “иссиқхона таъсири” (“парник эффекти”) деган ҳодиса кўпаймоғи аниқ. Бунда атмосферада қалинлашган углеводород қатлами Куйёш радиациясини Ерда бемалол ўтказиб юборгани ҳолда иссиқлик нурланишини атмосферанинг юқори қатламларига қайтишини тўхтатиб қолади. Шунга мувофиқ атмосферанинг қуйи қатламларида ҳарорат кўтарилади. 70-йилларда моделлар ясаб ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, атмосферада тўпланиб қоладиган заҳарли газ икки баробар ошиши оқибатида ерда ҳарорат ўртача 2,9 даражага кўтарилар экан. Бу ҳолда кутб ҳудудларида мангу музликларда муз ва қорларнинг эриши муқаррар бўлиб қолади, океан сатҳи кўтарилади. Денгиз бўйларидаги қуруқ ерларнинг жуда кўп қисмини сув босади. Денгиз сатҳи атиги бир метр кўтариладиган бўлса, масалан, Банладеш ўз ерининг 11 фоизини йўқотади. Миср ҳудуди 15 фоизга қисқаради. Мальдив ороллари ва Хитойнинг денгиз сатҳидан қуйида жойлашган дарё ҳавзаларидаги ҳудудлари деярли тўла тарзда сув остида қолади. Бундан ташқари, ҳарорат мувозанатининг

йўқолиши туфайли кўпгина турдаги ўсимликлар ва жониворлар дунёсининг вакиллари зурриёд бериш қобилятидан маҳрум бўлади.¹

Жаҳон океанларининг суви ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Оқибатда биосфера ўзини ўзи тозалашга ожиз бўлиб бормоқда. Ҳозир биосферада заҳарланган (углекислота) газнинг миқдори қарийб 20 фоизини ташкил этади. “Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг равожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилганхўжалик фаолияти, Рим клубининг “XXI аср йўли” деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзасида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлмиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, азон қатлами бузилиши ва ҳакозоларнинг рўй беришига олиб келди... Таркибида олтингугурт қўш оксиди ва азот оксид бўлган туқзли ёмғирлар ёғиши кўпайди. Бунинг натижасида бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бормоқда”.² Дунё миқёсидаги саратон, ОИТС сингари ўта хатарли касалликлар йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Ернинг азон қатламининг барбод бўлиши она-заминимизни радиациянинг ультра бинафша нурларидан ҳимоя қилинишини йўққа чиқармоқда. Бир қатор олимлар тери ракиннинг кўпайиб кетганини инсонга ультра бинафша нурлар таъсири кўпайгани билан боғлайдилар.

Дунё аҳолисининг йилдан-йилга ўсиб, озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжларининг муттасил равишда кўпайиб бораётганлиги ҳам одамлар билан атроф-муҳит ўртасидаги номутаносибликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, 1996-йилда жаҳонда 5 миллиард 702 миллион аҳоли яшаган. 1998 йилда эса бу миқдор 6 миллиарддан ошиб кетган. 2025 йилга бориб дунё аҳолиси сони 8,5 миллиардга етиши фараз қилинмоқда. Демак, бу даврда жаҳон аҳолиси 1995 йилга нисбатан яна 2 миллиард 610 миллион кишига кўпаяди. Тарихдан дунё аҳолисининг 1 миллиард 2 миллиардга ўсиши учун 130 йил зарур бўлар эди. Бу ўзига хос

демографик жадал ўсиш шу далилга асосланадики, аҳолининг кўпайиши суръатлари ривожланган мамлакатларда аста-секин камаймоқда.

XXI аср давомида курраи заминининг янги миллиардлаб авлодлари катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қийинчиликларни бошидан кечираётган Осиё, Африка мамлакатларига тўғри келади. Осиё қитъасининг аҳолиси 1995 йилда 3 миллиард 451 миллион бўлса, 2025 йилда бу 5 миллиард кишига етади. Африка аҳолиси эса бу давр ичида 720 миллиондан 1 миллиард 510 миллионга етади. Айрим мамлакатларнинг аҳолиси ниҳоятда катта тезлик билан ўсиб бормоқда. Сурия Арабистонининг аҳолиси 1995 йилда 18,5 миллион киши бўлса, 2025 йилда 48,2 миллион кишига етади. Шу вақт ичида Мали аҳолиси 9,4 миллиондан 23,7 миллионга, Нигерия аҳолиси 101,3 миллиондан 246 миллионга, Гана аҳолиси 17,5 миллиондан 38 миллионга етади. Тахмин қилишларича, ер юзаси аҳолисининг 80 фоизи, яъни ғоят катта қисми Учинчи дунёда яшайдиган бўлади¹.

Марказий Осиё республикаларида ҳам аҳолининг жадал суръатлар билан ўсиши кутилмоқда. Ўзбекистон аҳолиси 1995 йилда 22,7 миллион бўлган бўлса, 2025 йилда 42,3 миллионга етади. Шу давр ичида Қозоғистон аҳолиси 16,9 миллиондан 20,2 миллионга, Тожикистон аҳолиси 5,8 миллиондан 13,1 миллионга, Туркменистон аҳолиси 4,5 миллиондан 7,9 миллионга, Қирғизистон аҳолиси, 4,4 миллиондан 7 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. 30 йил давомида Марказий Осиёдаги беш мустақил давлатининг аҳолиси 30 йилда фақат 5-6 миллионга кўпайиши кутилмоқда. Бу ўсиш ҳам Шимолий Кавказ ва Сибир аҳолиси ҳисобига юз беради¹.

Демографик портлаш, дунё аҳолисининг жадал суръатлар билан кўпайиб бориши кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муоммоларни юзага келтиради. XX асрнинг охирлари ва XXI аср бошларида аҳолиси 11 миллиондан ортиқ ҳар 20 шаҳарнинг 17 таси Учинчи дунёга тўғри келади. “Бироқ катта шаҳарлар шундай ҳам етишмай турган озиқ –овқат ва сув ресурсларини истеъмол қилиб, ёқилғини сарфлаб ва ахлат чиқарибгина...

қолмай, балки саноат корхоналари ҳисобига тез кенгайиб атроф майдонини ўзларининг чиқиндиларини ўзлаштиришга ва тозалашга мажбур қилади”².

Дунё бўйлаб аҳолининг тўхтовсиз ўсиб бориши экин экиладиган ерларга бўлган эҳтиёжнинг йил сайин кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда аҳоли кўпайган сари инсоннинг эҳтиёжларини асосан ер устида ўсадиган ўсимликлар, ер ости бойликлари, чорвачилик маҳсулотлари, денгиз ва океанлардаги табиий бойликлар, ўрмон бойликлари қондиради. Инсон эҳтиёжини қондирадиган бошқа манба йўқ. Жамики бойликларнинг манбаи бўлган ер эса чексиз-чегарасиз эмас, чегараланган. Ер ости бойликлари ҳам, океан денгизлардаги балиқ ва бошқа тирик организмлар ҳам, жонзотлар, ўсимликлар ва паррандалар ҳам чекланган. Кейин нима бўлади? Инсониятнинг ҳаёти қандай кечади? Ана шу масалалар устидан ҳозирданок ўйлаш, фурсатни бой бермаслик керак.

2. Jamiyat maъnaviy hayoti

Инсоният тарихи шуни исботлаб бердики жамиятнинг тақдири, унинг ривожланиши, жамият аъзоларининг ўз олдларига қўйган мақсадга эришишлари ҳар жиҳатдан баркамол бўлган инсонларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк кунлариданок ҳар томонлама баркамол шахсни, комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш давлатимиз сиёсатида алоҳида ўрин тутиб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кундан бошлаб миллатнинг маънавиятига эътибор қаратиш долзарб вазифа бўлиб майдонга чиқди. Ушбу вазифага дастлабки эътиборни Республика Президенти И.А.Каримов қаратди ва миллат маънавиятини юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш масаласи давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан эканлигини алоҳида таъкидлади.⁴ Давлат раҳбарининг ушбу масалага эътибори ўз вақтида бўлган эди, чунки “Совет” тузуми емирилиб, 130 йиллик сиёсий қарамликдан қутулиб, қайта қад ростлаган мустақил

⁴ И.А.Каримов. “Истиқлол ва маънавият” Т., Ўзбекистон 1994. 65 б.

давлатчиликнинг қиёфасини шакллантириш керак эди. Социализм ғояларининг халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилгани, улар халқимизни манқуртлаштириш учун хизмат қилгани очик ҳақиқат эди. Келажак тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Шундай экан, давлат тузумини, жамият ҳаётини демократлаштириш, иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш баробарида маънавиятга ҳам доимо алоҳида эътибор қаратиш талаб этилиши воқеий заруратдир.

Юртбошимиз ўз маърузаларида “юксак маънавият – келажак пойдевори” дея бу соҳада эришилган ютуқларни тилга олиш билан бирга келажак йўналишларни ҳам батафсил таҳлил этиб берди. “Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир”⁵ деб таъкидлайди И.А.Каримов. Бунинг учун ҳар биримиз “Босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб”, “буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меъросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарини янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак”.

Дарҳақиқат, қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг деярли ҳар бир нутқида маънавият масаласига эътибор қаратилади, ҳар бир китобида алоҳида боб ажратилади. Булар йиғилиб 1994 йилда “Истиқлол ва маънавият” номли китоб бўлиб биринчи марта босилиб чиқди. 1997-1998 йилларида “Маънавий юксалиш йўлида” (“На пути духовного Возрождения”) номи билан яна ўзбек ва рус тилларида тўлдирилиб қайта нашр қилинди.

Булардан ташқари қатор учрашувлардаги Президент нутқлари, савол-жавоблари ва суҳбатларини ҳам қайд этишни лозим. Айниқса Президентимиз “Маънавий мерос қудрати” (Ўзбекистон мустақиллиги бир йиллиги тантаналарида сўзланган нутқ), “Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради” (Ёзувчилар билан суҳбат), “Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили” (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш маросимида сўзланган нутқ), “Ватан ҳамма нарсадан

⁵ Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998, 11-бет.

мўътабар” (Мустақилликнинг беш йиллигидаги байрам табриги), “Маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши” (“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобидан), “Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” (“Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (Тарихчи олимлар билан суҳбат), “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (“Фидокор” газетаси муҳбири билан суҳбат), “Эғали юрт эркини бермас” (2000 йил август Олий мажлис сессиясида сўзланган нутқ), “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” каби қатор асарларида маънавият масалаларига оид муҳим фикрлар, янгича ғоялар олға сурилган.

1994 йил баҳорида “Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилиқ марказини тузиш ҳақида Президентнинг фармони чиқди. 1996 йил сентябрда ушбу марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида яна алоҳида Фармон бўлди ва унинг асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Ниҳоят 1999 йилга келиб, бу марказ Республика Маънавият ва маърифат кенгашига айлантирилди.

Сиёсий, ҳуқуқий томондан билимдон, боғлиқлиги жараёнларини мустақил ҳолда тушуна оладиган маънавий етук баркамол инсонлар жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришда ва жамиятни янгиланиб боришида асосий рольни ўйнайди. Жамиятдаги янгиланишларни амалга ошириш тарихий заруриятдир, шу тарихий заруриятни юзага келтирган сабаблар мавжуддир, қолаверса, жамиятни янгиланиш жараёни узоқ давом этган қарамликдан озод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топиб бораётган мураккаб вазиятда амалга оширилмоқда. Жамиятни янгиланиб бориш жараёнида унга тўсиқ бўладиган турли хил жараёнлар мавжуд бўлиши табиийдир.

Янги жамиятнинг пойдеворини мустаҳкам қилиб яратиш, кўп миллатли Ватанимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, маънавий юксалишимизнинг асосчилари бўлган маънавий етук баркамол инсонларни

шакллантириб бориш мақсадида Президентимиз раҳбарлигида кўплаб чоратadbирлар амалга оширилмокда, бунга мисол тариқасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши, Узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши ва бошқа ўзгаришлар.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавиятнинг, инсоннинг билим, ақл-идрок, маънавий-маърифий камолотгга бўлган эҳтиёжи тўла қондириладиган босқич ҳеч қачон бўлмайди. Инсониятнинг маънавиятга бўлган эҳтиёжи ниҳоясиздир. Жамият тараққиёти олдинга қараб тадрижий ривожланиб, тобора такомиллашиб, кенгайиб, чуқурлашиб боргани каби маънавий-маърифий камолотнинг ҳам сўнги нуқтаси бўлмайди. Маънавият соҳасида бир эҳтиёжнинг қондирилиши яна кўплаб талаб ва эҳтиёжларни юзага келишига, янги эҳтиёжларнинг руёбга чиқиши эса жамият тараққиётини ўтмишдан келажакка томон тўхтовсиз илгарилаб боришига имкон яратади. Жамиятнинг маънавий ва маърифий тараққиёти шу тариқа абадий давом этаверади.

Агарда маънавий-маърифий эҳтиёж ва зарурият бўлмаса, инсон камолоти ҳам тўхтади, жамият тараққиёти сустлаши, секинлашиб кетади. Ана шу жиҳатдан олганда, маънавият ва маърифат инсон, халқ, миллат тараққиёти учун беҳад муҳимдир. Маънавий камолот жамият тараққиётининг зарур омиллидир. Ислом Каримов “Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг давлатнинг куч-қудрратидир”⁶, деб бежиз айтмаган. Зеро, маънавий етук баркамол инсонлар жамиятда амалга ошириладиган янгиланишларда қандай мақсадлар кўзланаётганини тезда англаб оладилар.

Асрлар мобайнида маънавий етук инсонларни вояга етказиб, уларни жамиятни юксалиб бориш жараёнида фаол бўлишларини таъминлаб келган халқимиз ўзининг бой маънавий меросига эгадир. Аждодларимизнинг бой маънавий мероси ўз даврида минтақамизни дунёга танилишига кўплаб мамлакатларга намуна бўлишига сабабчи бўлиб келган. Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо

⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол иқтисод, сиёсат мафкура. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 80-б

Улуғбек ва бошқа кўплаб зотлар борки, уларсиз халқимизнинг тарихий тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Ўзбекистон мустамлака бўлиб, қарамлик ҳолатида яшаб келган даврда халқимизнинг бой маънавий меросини йўқотишга ҳаракатлар бўлиб ўтди, инсонни маънавий камолотини таъминлаб беришга хизмат қилувчи омилларга етарли даражада эътибор берилмади. Бундай салбий ҳолатлар тўғрисида гапириб Президентимиз И.А.Каримов шундай фикрни айтиб ўтди: «Биз кўп йиллар давомида маърифат ва маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди. Натижада биз бу масалада орқада қолиб кетдик»⁷.

Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократлаштиришда, Озод ва обод Ватанни яратишда, эркин фикрлай оладиган инсонларни шакллантиришда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам уларни кучайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларга айланди. Президентимиз бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири ёшларни ҳар жиҳатдан тарбиялаб, уларни Ўзбекистоннинг равнақи йўлида фидойи инсонларга айлантириш масаласида эканлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар.⁸

Президентимиз мустақилликдан сўнг ёшлаб тарбиясига эътиборни қаратаркан, маънавий баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказиш, бунда тарбиячи устозларнинг, ота-она ибратининг, ижодкорларнинг, оиланинг, ота-она ибратининг, маҳалланинг, маданий-оқартув муассасаларининг ўрни катта эканлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар. Мана шу омиллар аждодларимизнинг маънавий меросини авайлаб асрашда, уларни янада бойитишда жамиятдаги маънавий ютуқларни қўлга киритишда, амалга оширилган янгиланишларда ўзига яраша катта аҳамиятга эгадир. Жамиятнинг юксалиб, ўзгариб боришини асосий сабабчиси бўлган вояга

⁷ И.А.Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т., «Маънавият», 2008 й, 79-бет.

⁸ Каримов И.А. Юкса маънавият-жамият тараққиётининг асоси. 7-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 45-бет.

етиб келаётган ёшларнинг маънавий тарбияси доимо жуда долзарб бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам унга катта эътибор бериб келинмоқда. Чунки ёшлар аجدодларимиз бой маънавий меросини авайлаб асровчилар, уларни янада ривожлантирувчилардир.

Ўзбекистоннинг эртанги кунга бўлган ёшларни маънавий баркамол етук инсонлар сифатида вояга етказиб беришни таъминлаш барчамизнинг бурчимиз ва вазифамиздир. Бўлажак педагоглар сифатида биз ҳам бу масалани чуқур ҳис этишимиз ва келгуси ҳаётимизда албатта бу масалани теран англаб яшашга интилоғимиз керак.

Умуман олганда, ушбу жараёнда ҳеч ким ташқарида қолиши керак эмас. Сўнгги вақтларда ҳаётимизда ёшларнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Улар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ёшларимизнинг қалбини эгаллашга уларнинг ҳаётига сингиб кириб боришга ҳаракат қилишмоқда. Ёшларни маънавий жиҳатдан бузишга сабабчи бўлган бундай ҳолатларни олдини олиш бугунги куннинг долзарб масаласи эканлигида гапириб Президентимиз шундай дейдилар: «Барчамиз –қаерда, қандай лавозимда ишламайлик, жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қиладиган ана шундай тажовузкорлик кўринишларига қатъий равишда қарши туришимиз лозим. Бундай муносабат жамоатчилигимиз, халқимизга ҳам маъқул бўлади, деб ишонаман»⁹.

Халқимизнинг маънавий жиҳатдан юксалиб боришига қаратилган миллий ғоя тарғиботи, ёшлар ўртасида бошланган мафкуравий, ғоявий тарбия узлуксиз бўлиши керак. Бундай масъулиятли жараён танаффуссиз давом этиши керак ва ҳеч қачон бўшлиққа ўрин қолдириш керак эмас.

Ўзбекистон турли –туман миллатлар яшайдиган кўпмиллатли мамлакатидир. Халқ эса –юрт бойлиги. Юрт бойлиги бўлган мана шу халқни маънавий етук халқ сифатида шакллантириб бориш жамиятдаги янгиланишларнинг янада самарали бўлишига сабабчи бўлади.

⁹ И.А.Каримов. «Юксак маънавият –енгилмас куч». Т., «Маънавият», 2008, 80-бет.

Жамият аъзоларининг маънавий юксалиши хусусиятлардан бири уларнинг маънавий меросга бўлган муносабатлари билан бирга ўз она тилисига бўлаётган муносабатидир. Ҳар бир инсонни ўзлигини англай олиши, миллий менталитети аجدодлар ва авлодлар ўртасидаги руҳий ва маънавий боғлиқлик доимо тил орқали намоён бўлиб келган. Инсон дунёга келиши билан унинг вояга етиб бориш жараёнида барча эзгу фазилатлар ва хислатлар инсоннинг қалб кўрига ўз халқининг она тилиси орқали кириб боради. Аجدодларимиз асрлар мобайнида янги туғилган гўдак қулоғига азон айтиб келишган, гўдаклик чоғидаёқ она тилида алла эшитган. Ҳар бир миллатнинг ўз она тилиси мавжуддир ва бу тил уларнинг руҳи ва ғуруридир. Тилини йўқотган, ундан айрилган халқ ўз ғуруридан айрилади. Қарамлик йилларида халқимизнинг она тилига бўлган хуружлардан ҳам ғаразли мақсадлар кўзланган эди, тилни йўқотмоқлик ўзликни йўқотмоқликдир. Она тилимизни авайлаб қолиш ва уни мавқеини ошириш мақсадида 1989 йилда она тилимизга давлат тили мақоми берилди. 1992 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Қарамлик йилларида Совет тизими кўплаб халқларнинг тилларига тазйиқларни кучайтирган, уларнинг мавқеини туширишга ҳаракат қилган эди. Она тилига ҳурмат юксак маънавият белгиси бўлганлиги учун ҳам мустақилликнинг илк кунлариданоқ кўп миллатли Ўзбекистонда кўплаб миллатлар ўз она тилисини мавқеини ошириш имконига эга бўлдилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўплаб миллатлар ўз она тилисида илм олиш имконига эга бўлдилар, бугунги кунда кўплаб миллатлар ўз она тилисида газета ва журналлар чиқариш имконига эга бўлдилар. Буларнинг барчаси юртимизда миллатидан қатъий назар ҳар бир инсонни маънавий жиҳатдан вояга етказишга қаратилган сиёсат натижасидир.

Турли миллат вакилларининг ўзга миллат вакилларининг тилини ҳурмат қила билиши ҳам юксак маънавият белгисидир. Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг давлат тилига ҳурматда

бўлиб келиши амалда ўз ўрнини топиб келмоқда. Бугунги кунда кўплаб хужжатлар давлат тилида расмийлаштириб келинмоқда. Аждодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган она тилимизни авайлаб асраш уни ҳаётда кенг қўллай олишлик ҳам юксак маънавият белгисидир.

Мустақиллик йилларида Совет тизими олиб борган сиёсат оқибатида она тилига муносабат борасидаги иллатларга барҳам беришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда она тилимиз ҳаётимизни барча соҳаларида таълим ва тарбия жараёнларида кенг қўлланиб келинмоқда. Бугунги кунда жамиятимизда тил маданиятини янада ошириш соҳасида кўплаб ишлар қилиниши зарурлиги сезилмоқда. Она тилининг ҳурмат қилиниши ҳаётда кенг қўлланилиши унинг мавқеини ошириш билан бирга инсон маънавий камолотининг омилларидан бирига айланди. Шу билан бирга бу масалада ҳам ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас, аммо аста-секинлик билан тил билан боғлиқ муаммолар ҳам ҳал этилиб борилади, чунки, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, маънавий юксалишлар босқичма-босқич давом этмоқда.

Халқимизнинг маънавий камолотини ифодалаб берувчи фазилатлардан бири- халқнинг Ватанга муҳаббат туйғусини ҳис қила билишлигидир.

Ватанга муҳаббат туйғуси туғма хусусий эмас, балки улғайиб бориш жараёнида шаклланиб инсон юрагига чуқур сингиб боровчи фазилатдир. Ватан туйғусини ҳис қила билишлик муқаддас туйғу ва юксак маънавият белгиси эканлиги тўғрисида гапириб, Президентимиз шундай дедилар: «Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қонга теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади»¹⁰.

Ҳар бир инсон учун ўзи туғилиб ўсган, яшаб келаётган Ватани муқаддасдир. Мана шу Ватаннинг бугунги куни ва келажаги учун

¹⁰ И.А.Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т., «Маънавият», 2008, 90-бет.

қайғуришни ҳис эта олишлик инсоннинг маънавияти қандай даражада эканлигини белгилаб беради. Ўз Ватанининг эртанги куни учун қайғура оладиган инсон юксак маънавият соҳибидир. Ўз Ватанидан фахрланиш ҳисси ҳар бир инсоннинг қалбида юрагида бўлиши лозим. Кўп миллатли Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг юрагига ва қалбига ягона Ватан туйғусини сингдириб бориш тарихий заруриятдир.

Ўзбекистон ёшлар мамлакати бўлганлиги учун ҳам уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб боришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Улғайиб келаётган ёшларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳар бир фуқаронинг бурчи ва вазифасидир. Ватанимиз тарихини мукаммал ўрганиш, улуғ алломаларимизни билиб бориш ҳар бир инсонда ўз Ватанининг ўтмиши билан ғурурланиш туйғусини шакллантириб беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда дунёвий тараққиётга, унинг энг илғор ютуқ ва натижаларига таянадиган дунёвий давлатни барпо этишга ҳаракат қилинмоқда. Дунёвий давлатни онсонлик билан ва қисқа муддатда яратиб бўлмайди. Бундай давлат мустаҳкам омилларга асосланган омиллар қаторига биз учун муқаддас бўлган ислом динини ва диний қадриятларни кўрсатиб ўтсак бўлади.

Тарихимизга назар ташлар эканмиз, минтақамиз тарихида қудратли давлатларнинг юзага келишида диний қадриятларнинг ўрни катталигини кўриб ўтсак бўлади. Ҳаёт тажрибаси шуни исботлаб бердики дунёвий ва диний қадриятларга суянган ҳолда юзага келган давлатлар қудратли ва кучли бўлган, улар тарихда узоқ вақтлар давомида яшаб келган.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократиялаштиришга, жамият тафаккурини бутунлай янгилашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу борадаги янгиланишларни амалга оширишда дунёнинг тараққий этган мамлакатларнинг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.¹¹

¹¹ Маънавий юксалиш йўлида. (Муаллифлар жамоаси) Тошкент, «Маънавият» 2008, 12-бет.

Жамият ҳаётини демократлаштириш, жамият тафаккурини янгилаш, қисқа муддатда амалга оширилмайди, балки узок давом этадиган узлуксиз жараёндир. Мана шундай жараёнда барча фуқароларнинг масъулиятни ҳис қилган ҳолда онгли равишда иштирок этишлари катта аҳамиятга эгадир. Миллий қадриятлар, юксак маънавият бугунги кунда Ўзбекистонни янги ижтимоий –сиёсий тузум талаблари доирасида умумий янгиланишларни муҳим бўғинига айлантирилди.

Маънавият соҳасидаги янгиланишлар Ўзбекистонда жамият ҳаётини демократиялаштиришда катта роль ўйнади фуқароларнинг маънавий даражаси жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартиради. Янгиланган ахлоқий етуклик, юксак онг, маънавий камолот Она Ватанимизнинг тараққиёти белгилайди. Унинг тараққиётини янгидан янги имкониятларини юзага келтиради. Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган демократиялаштириш жараёни жамият тафаккурининг янгиланиши ўзига хос ҳолда амалга ошириб борилмоқда. Жамиятимиздаги янгиланишлар жараёни бирга соҳаларда шу жумладан маънавият соҳасида ҳам тадрижий – эволюцион ислохотлар йўли орқалигина амалга оширилмоқда.

Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, жамият аъзоларининг дунёқараши, эътиқоди ва тафаккурида демократик тамойилларнинг ва демократик қарашларнинг кенгайиб мустаҳкамланиб бориши жамиятнинг юксалиб бориш омили бўлиб келган.

Жамиятимизнинг моддий турм уш даражасининг, ортиб боришида унинг маданий савиясини ривожланиб боришида, маънавият соҳасидаги янгиланишларнинг алоҳида ўрни бордир.

Ҳар қандай жамиятнинг шу жумладан Ўзбекистоннинг жамият ҳаётини демократиялаштириш ва жамиятнинг янгиланиб бориши, шу давлатнинг тараққиёт маҳсули ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бу соҳада танлаб олган йўли унинг келажаги учун муҳим аҳамиятга эга ва мустаҳкам пойдевор бўлиб ҳизмат қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятларга бўлган муносабат тубдаан ўзгарди. Ислом Каримов таъкидлайганидек: “инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини ўйғотадишган бекиёс куч, унинг барча карашларининг мезони” бўлган-маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди.

Бугунги глобаллашув шароитида турли шакллардаги, хусусан “оммавий маданият” кўринишдаги маънавий таҳдидларга қарши кураш, бунинг учун “халқни-халқ, миллатни-миллат” қилиш мамлакатимиз мустаҳкамлаш, жамият тараққиётини, унинг барқарорлигини таъминлашда маънавиятнинг роли бекиёсдир. Юртбошимиз айтганидек, “XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри” бўлишини ҳаёт яққол кўрсатиб турибди.

3. Қулай табиий шарт-шароитнинг жамият маънавий ҳаётини тиклашда тутган ўрни

Юртимизда мустақиллик шабадаси эсиб, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида миллий маънавий тикланиш жараёни вужудга келди. Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий –маънавий тикланиш концепцияси юртимизда бошланган миллий тикланиш жараёнининг дастурий методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик туфайли бизнинг маънавий қадриятларимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукамаллигида, қайчиланмасдан, «прогрессив-реакцион» аталмиш зўраки қолипларга тикиштирилмасдан тиклана бошлади. Куръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди, Носириддин Рабғузий, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Бурхонуддин Марғиновий, Абу Мансур Мотуридий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа

«совет даврида» ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари бирин-кетин нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбек халқининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳақли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёғду пайдо қилди. XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жаҳид алломаларимиз халқ дилидан яна муносиб ўрин ола бошлади. «Босмачи» дея ёппа қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз кадрларига лойиқ баҳоландилар.

Миллий маънавиятни тиклаш, ўзликни англаш айнан маънавий кадриятларни ўзлаштириш, ўз халқининг тарихи, маданий меросини ўрганиш, бугунги ҳолати ва эртанги истиқболини аниқ тасаввур этишдан бошланади. Ҳар бир инсоннинг меҳнати, фаолияти, ҳаётий мақсадлари маълум бир кадриятларга эришиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлишга йўналтирилган бўлади.

Миллий маънавий кадриятлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистондаги тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ё урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш, буларнинг пайдо бўлиши жуда қадим замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

И.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий маънавий кадриятларни юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Мустақиллик сабаб, юртимизда маънавий юксалиш юзага келди. Муборак Рамозон ва Қурбон ҳайитларимиз, Наврўзнинг қайта юз очди.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосалар шундан далолат берадики, қаерда давлат ва жамият тараққий топса, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдига эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда эркин

фикрлаш муҳити ва шу асосда миллий маънавий юксалиш учун янги имкониятлар туғилади, ўша давлатда миллат-миллат, халқ- халқ сифатида тараққий этади, унинг миллий маънавияти ривожланиб боради. Бунга халқимиз ҳаётидаги маънавий юксалиш, миллий маданиятнинг ривожини мисол бўла олади.

Хулоса

Бугун озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон мамлакат қуришдек олий мақсад йўлида одимлаётган Ўзбекистон олдида халқини маънавиятини миллий қадриятлар асосида юксалтириш, маънавий жиҳатдан етук инсонлар яшайдиган, дунёда энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқишдек олий бир мақсад турибди.

Мақсад ҳақиқатдан ҳам жуда катта, улуғвор. Ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш эса осон иш эмас. Бунинг учун миллий маънавиятни ривожлантириш, уни халқ орасида кенг тарғиб –ташвиқ этиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида четдан келаётган ҳар қандай ёт ва бузғунчи ғояларга қарши кураш тизимини яратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий мафкурани яратиш, миллий маънавиятни ривожлантириш, унинг тарғиботини жадаллик билан амалга оширишдир», - деган эди. Зеро, дунёдаги ҳар бир жамиятнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий маънавияти бўлади.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни ҳолисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш миллий маънавиятнинг зарурлиги ва аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов миллий маънавиятни юксалтириш зарурати ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фикр юритиши тасодифий ҳол эмас эди. Негаки, «Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид

соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар»¹³. Ўзбекистонинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун миллий маънавиятни юксалтириш сув ва ҳаводек зарур. Буни ҳаётнинг ўзи очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, миллий маънавият бу тарихий ҳодиса, у халқимизнинг минг йиллар давомида ҳаёти ва турмуш тарзи, миллий қадриятлари асосида шаклланиб келган. Бугун мустақиллик сабаб у янада муҳим ҳодиса сифатида халқимиз тараққиёти учун таянч омиллардан ҳисобланади. Миллий маънавиятимизни янада такомиллаштириш, уни кенг халқ оммаси, аввало униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгига энг таъсирчан йўллар ва самарали усуллар билан сингдириш муҳим вазифа ҳисобланади.

¹³ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001. 3-б.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Тошкент: Ўзбекистон, 1994 й.
2. Ислон Каримов. Ҳалоллик ва фидойилик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. Тошкент, Ўзбекистон, 1994
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т: Ўзбекистон, 1999
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 7-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» 1999
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси. 10-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999
7. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари. Халқ сўзи 1999 й. 3 феврал.
8. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001
10. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият» 2008.
11. Маънавий юксалиш йўлида. (Муаллифлар жамоаси) Тошкент, «Маънавият» 2008

- 12.. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.
- 13.Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
- 14.Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т., Шарқ, 1998 й.
15. М. Имомназаров. Миллий маънавиятимиз асослари. Т. 2001
16. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т,: Тошкент Ислам университети, 2001
- 17.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.
- 18.Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т. Шарқ, 1998 й.
- 19.“Халқ сўзи”, 2013й. 21 январь сони